

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия
Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикасида
Россия Федерациясининг олий таълим бўйича таълим
муассасалари филиалларини ташкил этиш
ва уларнинг фаолият юритиши тўғрисида**
БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

1995 йил 27 июлда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим қойдаларига таянган ҳолда,

узоқ муддатли ҳамкорлик ва олий таълим соҳасида интеграцион ҳамкорликни чукурлаштириш манфаатлари юзасидан,

Россия Федерациясининг олий таълим бўйича таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган таълим сифатини яхшилаш мақсадида,

куйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Мазкур Битим мақсадлари учун «филиал» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва Томонлар давлатларининг қонунчилигига мувофиқ таълим дастурларининг даражаси, тури ва йўналишини инобатга олган ҳолда таълим бериш фаолиятини амалга оширишни таъминлайдиган Россия Федерациясининг олий таълим бўйича таълим муассасасининг алоҳида таркибий бўлинмасини англатади (кейинги ўринларда – таълим муассасаси).

Мазкур Битимнинг амал қилиши у тузилган пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган ва фаолият юритаётган филиалларга ҳам тадбиқ этилади.

2-модда

Филиал Россия Федерацияси қонунчилигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилади ва тутатилади.

Филиал таълим муассасаси устави ва таълим муассасаси тасдиқлаган филиал тўғрисидаги низомга асосан фаолият юритади.

3-модда

Филиалнинг таълим бериш фаолияти Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Филиалда олий таълимнинг асосий таълим дастурлари бўйича ўқитиш Россия Федерациясининг федерал давлат таълим стандартларига ва (ёки) Россия Федерацияси қонунчилигига ўрнатилган ҳолларда таълим муассасалари мустақил тасдиклайдиган таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Филиалда ўқитиш рус тилида олиб борилади, шу билан бирга ўзбек тили ва Ўзбекистон тарихи ўқитилади.

4-модда

Ўзбекистон Республикасида жойлашган филиалнинг таълим бериш фаолиятини лицензиялаш ва давлат аккредитациясидан ўтказиш Россия Федерация қонунчилигига мувофиқ ариза бериш тартибида амалга оширилади.

5-модда

Олий таълимнинг аккредитациядан ўтган таълим дастурларини ўзлаштиришни якунлаган ва якуний (якуний давлат) аттестациядан муваффақиятли ўтган филиал таълим олувчиларига Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ таълим олганлик ва (ёки) малака тўғрисидаги хужжатлар берилади.

Кўрсатилган таълим олганлик ва малака тўғрисидаги хужжатларни Ўзбекистон Республикасида тан олиш ва нострификация қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

6-модда

Таълим муассасасининг молия-хўжалик фаолияти унинг филиали жойлашган жой бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Филиалда таълим олиш учун ҳар йили таълим муассасасига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан давлат грантлари асосида қабул қилинадиган таълим олувчилар сони Ўзбекистон томони тарафидан аниқланади.

Филиални жойлаштириш таълим муассасаси ва Ўзбекистон Республикаси ташкилоти (ташкилотлари) (хўжалик юритувчи субъектлари) ўртасидаги филиални ташкил этиш ва унинг фаолият юритишининг молиявий таъминотини, филиални жойлаштириш учун кўчмас мулкни (ўкув ва лаборатория машғулотлари, ошхоналар, тиббиёт хоналари, спорт заллари, талабалар туар жойлари учун бинолар ва иншоотлар), уларни жиҳозлаш учун асбоб-ускуналарни тақдим этишни ва филиалнинг педагогик ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга оширилади.

7-модда

Мазкур Битим қондаларини қўллаш ва талқин қилиш билан боғлиқ Томонлар ўртасидаги низоли масалалар маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал этилади.

8-модда

Томонларнинг келишувига қўра мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ҳамда мазкур Битим билан ўрнатилган тартибда кучга кирадиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

9-модда


Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларни бажарилганиклари тўғрисида дипломатик каналлар орқали сўнгги ёзма ҳабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

10-модда

Мазкур Битим беш йил давомида амалда бўлади ва башарти Томонлардан бири навбатдаги муддат тугашидан камида бир йил олдин бошқа Томонга дипломатик каналлар орқали унинг амал қилишини бекор қилиш нияти тўғрисида ёзма ҳабарнома юбормаса, унинг амал қилиши кейинги беш йиллик муддатларга ўз-ўзидан узаяверади.


Тошкент шаҳрида 2018 йил 19 октябрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда иккала матн бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси
Хукуматиномидан



И.Маджидов
Олий ва ўрта махсус
таълим вазири

Россия Федерацияси
Хукуматиномидан



М.Козаков
Фан ва олий таълим
вазири

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и Правительством
Российской Федерации о создании и функционировании
филиалов образовательных организаций высшего образования
Российской Федерации в Республике Узбекистан

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, именуемые в дальнейшем Сторонами,
руководствуясь положениями Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации
о сотрудничестве в области высшего образования от 27 июля 1995 года,
в интересах долгосрочного сотрудничества и углубления
интеграционного взаимодействия в сфере высшего образования,
в целях улучшения качества обучения, осуществляемого
образовательными организациями высшего образования Российской Федерации на территории Республики Узбекистан,
согласились о нижеследующем:

Статья 1

Для целей настоящего Соглашения понятие «филиал» означает обособленное структурное подразделение образовательной организации высшего образования Российской Федерации (далее - образовательная организация), расположенное на территории Республики Узбекистан и обеспечивающее осуществление образовательной деятельности с учетом уровня, вида и направленности образовательных программ в соответствии с законодательством государств Сторон.

Действие настоящего Соглашения распространяется в том числе и на филиалы, созданные и функционирующие на территории Республики Узбекистан на момент заключения настоящего Соглашения.

Статья 2

Филиал создается и ликвидируется в соответствии с законодательством Республики Узбекистан с учетом законодательства Российской Федерации.

Филиал действует на основании устава образовательной организации и положения о филиале, утвержденного образовательной организацией.

Статья 3

Образовательная деятельность в филиале осуществляется в соответствии с законодательством Российской Федерации.

Обучение в филиале по основным образовательным программам высшего образования осуществляется в соответствии с федеральными государственными образовательными стандартами Российской Федерации и (или) по образовательным стандартам, самостоятельно утверждаемым образовательными организациями в случаях, установленных законодательством Российской Федерации.

Обучение в филиале ведется на русском языке с изучением узбекского языка и истории Узбекистана.

Статья 4

Лицензирование и государственная аккредитация образовательной деятельности филиала, расположенного в Республике Узбекистан, осуществляются в соответствии с законодательством Российской Федерации в заявительном порядке.

Статья 5

Обучающимся в филиале, завершившим освоение аккредитованных образовательных программ высшего образования и успешно прошедшим итоговую (государственную итоговую) аттестацию, выдаются документы об образовании и (или) о квалификации в соответствии с законодательством Российской Федерации.

Признание и нострификация указанных документов об образовании и о квалификации в Республике Узбекистан осуществляется в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

Статья 6

Финансово-хозяйственная деятельность образовательной организации по месту нахождения ее филиала осуществляется в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

Количество обучающихся, ежегодно принимаемых в образовательную организацию для обучения в филиале за счет средств государственного бюджета Республики Узбекистан в виде государственных грантов, определяется Узбекской Стороной.

Размещение филиала осуществляется на основе договоров между образовательной организацией и организацией (организациями, хозяйствующими субъектами) Республики Узбекистан, предусматривающих финансовое обеспечение создания и функционирования филиала, условия предоставления недвижимого имущества для размещения филиала (здания и сооружения с помещениями для учебных и лабораторных занятий, столовых, медпунктов, спортивных залов, студенческих общежитий), оборудования для их оснащения и оплаты труда педагогических и иных работников филиала.

Статья 7

Спорные вопросы между Сторонами, связанные с применением или толкованием положений настоящего Соглашения, разрешаются путем консультаций и переговоров.

Статья 8

По согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения, которые являются неотъемлемой частью настоящего Соглашения, оформляются отдельными протоколами и вступают в силу в порядке, установленном настоящим Соглашением.

Статья 9


Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Статья 10

Настоящее Соглашение действует в течение пяти лет и автоматически продлевается на последующие пятилетние сроки, если ни одна из Сторон не позднее чем за один год до окончания очередного периода не направит другой Стороне по дипломатическим каналам письменное уведомление о своем намерении прекратить его действие.


Совершено в г.Ташкенте 19 октября 2018 года в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

За Правительство
Республики Узбекистан



И.Маджидов
Министр высшего
и среднего специального
образования

За Правительство
Российской Федерации



М.Котюков
Министр науки
и высшего образования